

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.



Мансур ХИММАТОВ олган сурат

Таъкидлаш жоизки, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини Конституция ва қонун

устуворлигига эришмай, уларни ҳам норматив ҳужжатларда, ҳам амалда таъминламай туриб қуриб бўлмай-

ди. Президентимиз таъбири билан айтганда: "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиё-

сий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва озо-йишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда".

Бинобарин, Асосий Қонунимиз халқимизнинг миллий ўзига хослиги, урф-одат ва анъаналари, ўзбек давлатчилиги ривождаги тарихий тажриба-

ларимиз, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари, ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизнинг амалдаги Конституцияси соф демократик руҳда яратилган бўлиб, у миллий ҳуқуқий тизимнинг пойдеворидир. Зеро, Бош Қомусимиз инсонлар қонун учун эмас, қонунлар инсонлар учун хизмат қилмоғи лозим деган принципини ўзида муҳассас этди.

Давоми 3-бетда ➡

Сайлов – 2019



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

Газетаимизнинг бугунги сонидида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан тақдим этилган туркум мақолалар ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан "Биз келажақ учун жавобгармиз!" сарлавҳали мақола тахририятимиз томонидан тақдим этилган бепул нашр майдонлари доирасида чоп этилмоқда.

2-саҳифага қаранг ➡

ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ ТИЗИМ

Сир эмаски, олдинлари тадбиркорлик қилиш ва рўйхатдан ўтиш учун бир неча идораларга бош суқиб соатлаб, ҳатто кунлаб кутишга тўғри келарди. Қолаверса, битта ҳужжатни тўғрилаш учун, бир неча раҳбарнинг эшигига сарғайиб овора бўлиларди.



Акция

Бундай сарсону саргардонликлар сабаб кўпчилик ярим йўлдаёқ тадбиркор бўлиш ниятидан қайтарди. Бугун вазият тубдан ўзгарган, қоғозбозликларга чек қўйилган. Қисқа қилиб айтганда, ҳозир ишингиз бир жойда, яъни давлат хизматлари марказининг ўзида ҳал бўлади. Қувонарлиси, ортқича ҳужжатлар ҳам талаб қилинмайди.

Маълумки, юртимизда тадбиркорлар билан дўстона муносабатда бўлиш, уларнинг таклифлари ва фикрларини рўёбга чиқаришга кўмак бериш ҳамда

барча давлат органларининг масъулиятини янада оширишга қаратилган "Адлия тадбиркорга дўст" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 25 ноябридан 25 декабрга Давлат хизматлари агентлиги "Сиз тадбиркор учун нима қилдингиз?" акциясини ўтказмоқда. Мазкур акция доирасида Оҳангарон шаҳар давлат хизматлари марказида тадбиркорлар билан учрашув ташкил этилди.

Давоми 3-бетда ➡

Шуқуҳ

ҚОМУСИМ

Ўқиб ўқмаганини оқил тан олмас,
Тиланчи титрайди, тетик бўл олмас.
Ҳар қитоб бахтинга битик бўл олмас,
Бетимсал бойлигим – бир гап, Қомусим,
Халқим ҳуқуқига таянч, Қомусим.

Юртим осмониди ҳурлик офтоби,
Қомус – давлатимнинг бу Бош Қитоби.
Ҳар боб, ҳар моддаси ақл хитоби,
Тафаккур аҳлининг дури, Қомусим,
Ҳам кўзнинг ҳам дилининг нури, Қомусим.

Тақдир неки битса бори бўлғайдир,
Одам бор кўнглида зори бўлғайдир.
Миллати деганининг, ори бўлғайдир,
Миллат мардларининг ори, Қомусим,
Ҳақ деган ҳаққўйнинг ёри, Қомусим.

Умримиз ҳаётнинг асли тўрт фасли,
Адолатга ташна одамзот насли,
Инсон эрки билан инсондир асли,
Сен билан кўксимиз осмон, Қомусим,
Қадру қадриятга қалқон, Қомусим.

Давлатим тоғи деб бошимда тутғум,
Қувонч кўздан оқса, ёшимда тутғум,
Умрим битди деса, лошимда тутғум,
Қиёматга қадар жонсан, Қомусим,
Дунё ичра дунё, шонсан, Қомусим.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири



ТЕМИР ЙЎЛЛАР – ИҚТИСОДИЁТИМИЗ
ҚОН ТОМИРЛАРИДИР



МУЗАЙЯН ХОТИРАЛАР

Куни кеча, аниқроғи, 4 декабрда тахририятимиз ижодий жамоаси билан Пискент туманига йўл олдик. Айни шу куни мазкур муаззам заминда туғилиб, камолга етган атоқли фольклоршунос олима ва шоира Музойяна Алавиянинг 110 йиллик юбилейи муносабати билан маърифий хотира кечаси ташкил этилди.

Эҳтиром

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси ва вилоят ҳокимлиги қўллаб-қувватлови билан ташкил этилган анжуманда халқимизнинг атоқли зиёлилари сўзга чиқиб, Музойяна Алавиянинг ҳам ижоди, ҳам шахсияти хусусида самимий ва ибратли хотиралардан сўзладилар. Бу диловар изҳорларда олима хотирасига бўлган юксак эҳтиром ва ихлосдан мутаассир бўлдик. Зеро, сўзга чиққанлар ичида академик Наим Каримов, устоз таржимон ва адабиётшунос Иброҳим Фафуров,

халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқа кўзга кўринган кўлаб зиёлилар бор эди. Гарчи ҳар бир нотик олиманинг бетақдор эзгу сифат ва қирраларини ёритиб беришга уринган бўлсада, Музойяна Алавия шахсияти бобида улар айтмоқчи бўлган асосий жиҳат мана бу эканлигини англадик:

Олима ҳар қандай қийинчиликка дуч келган тақдирда ҳам ҳеч қачон сўзга чиққанлар қайтмаган, эътиқодига, ҳақиқатларига хиёнат қилмаган. Музойяна Алавия халқ қўшиқ-

лари, айтим ва маталларини қозоғга тушириб нашр қилдирган, ўқиб-ўрганган биринчи ўзбек аёли сифатидагина эмас, балки ижодий салоҳияти ва ҳаётдаги матонати туфайли ҳам тарих зарварақларида мангу қолажак.

Академик Наим Каримовдан иқтибос: "Опа машаққатли замонга чап бериб, халқнинг маънавияти учун фидойилик кўрсатди. Халқ кўнглидаги олтинларни йиғиб, миллат келажаги учун тақдим этиб кетди..."

Тадбирни тугатиб, Тошкентга қайтар эканмиз, ҳамроҳларимиз кўнглида уйғонган музайян хотиралар, оловли ифтихорларга ошно бўлдик. Бинобарин, Музойяна Алавиядек олима билан заминдош бўлишнинг ўзи фахр эмасми?

Мирзохид АБДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири



Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Тахририятга келиб, "Тошкент ҳақиқати"нинг янги сонига кўз ташлайман. Кеча, кадрдон газетамиз нашрга тайёрланаётган вақтда ўқишга улгурмаганим – каттакичик мақолалар, хабарларни бир-бир ўқиб чиқаман. Мана, улардан бири: "Янги йилни янги уйда нишонлаймиз!"

Унда ёзилишича, 2017 йилда вилоят бўйича 61 нафар, 2018 йилда 281 нафар ногиронлиги бўлган, оғир шароитда яшаётган, уй-жойга муҳтож фуқаролар имтиёзли равишда тураржойлар билан таъминлангани. Жорий йилда эса 430 нафар шундай фуқароларни тураржойлар билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, биринчи ярим йилликда уларнинг 173 нафарига имтиёзли тарзда уй-жойлар берилган. Куни кеча эса Оҳангарон шаҳридаги "Мажнунтол" тўйхонаси-

да бўлиб ўтган тантанали маросимда вилоят ҳокими Рустам Холматов яна 110 нафар ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, шунингдек, оғир оилавий турмуш шароитида яшаб келаётган хотин-қизга уй-жойлар ордери ва қалитларини шахсан топширибди!

Хабарни ўқиб, нимадангир тўлқинландим, нимадир дегим келди.

Чинозда, коллежда ўқиб юрган кезларим бир ўқитувчимиз бўларди. Она-бола бўлиб кетган-

дик. Ўша ўқитувчи опа бир куни синиқ жилмайиб шундай деганди: "Ҳар гал меҳмонга борсак, мезбонлар: "Яна келинлар", деб кузатиб қолишади. Ўша пайтлар эмин-эркин, ҳеч нарсадан чўчимаи, "Сизлар ҳам ўтинлар бизникига", дегим келади, аммо... Нима қилай, ўша бизники бўлган уйнинг ўзи йўқ-да!"

Мен уйсизлик аталмиш мусибатни у пайтлар тушунавермасдим. Бир одам туғилди, дедим унинг ўз уйи бўлиши керак деб ўйлардим. Ўйлардимки,

ўйларим доим ҳам ҳақиқатга тўғри келмаслигини кейин англаб етдим. Бу катталар дунёсининг юзмига тортган илк тарсакиси эди.

Бир юз ўн хонадон, бир юз ўн оила! Мен ҳокимимизга ташаккур айтишим мумкин, аммо бу ташаккур шу қадар холис бўлиши керакки, уни фақат у кишининг ўзига айтгим келди. Ошқора айтилган раҳматнинг қадри қолмас, дердилар отам. Мен айти дамда янги уй соҳибларининг қувончдан порлаган

кўзларини тасаввур қилиб кўрдим. Тошкентга илк келганимда мен ҳам кўп уй алмаштардим. Халқ шоири Усмон Азим ёзганидек: "Ижара уйларнинг шавқи ёдимда!..." Ҳар ҳолда, ёлғиз бошимга бошпанасизлик у қадар қийинчилик туғдирмас, қайтанга бир сарғу-заштдек, тажрибадек кўринарди. Ҳозир ҳам шундай. Бироқ энди, юқоридаги мақолани ўқиб, бир оиланинг уйсизлигини ҳис қилиб кўришга уриндим.

Давоми 3-бетда ➡

Нашр индекси – 205

ЧОРАСИЗЛИК ЧОРРАҲАСИДАН ЧИҚИШ

ёхуд вилоят ҳокимига айтилмаган ташаккур

Янги Ўзбекистон — янги сайловлар!

Оҳангарон политехника касб-ҳунар коллежида шу мавзуда номзодлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан вилоят Кенгашига кўрсатилган номзод Жамолдин Содиқов иштирок этди.

"ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ!"

Учрашувда номзоднинг ишончли вакили унинг таржimai ҳоли, фаолияти, қатор ташаббуслари ҳақида маълумот берди. Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоялар ҳақида гапирди.

Шундан сўнг сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларни беришди. Коммунал хизматлар, тиббиёт соҳасидаги камчиликлар, мактаб-гача таълим муассасалари ҳамда уй-жой масаласида мурожаат қилишди. Буларнинг барчаси катта-кичик ижтимоий муаммолар эканини таъкидлашди. Партия ижтимоий ҳимоя масаласидаги ташаббусларни қай тартибда амалга оширишни режалаштираётгани хусусида сўралди.

Таъкидландики, Халқ демократик партияси ўз дастурий мақсадларини, аввало, Ўзбекистон мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, мамлакатда ижтимоий барқарорлик, фуқаролар ва миллатлар ўртасидаги ҳамжихатлик, ҳар бир оила ҳамда бутун халқнинг фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланиб белгилайди. Аҳолини барқарор иш жойи билан таъминлаш, ижтимоий муаммоларни қонуний асосда бартараф этиш керак, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ХДП ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматлар нархлари ҳамда тарифлари меъёрий ҳужжатларда белгиланганидан ошиб кетмаслиги учун ушбу нархларни шакллантириш устидан қатъий давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш тарафдори.

Ҳар бир номзод партия ғоялари учун курашади

Ўзбекистон ХДП Пискент туман кенгашида Халқ депутатлари туман Кенгашига партиядан кўрсатилган номзодлар билан семинар ўтказилди. Унда Сайловолди дастури асосида ҳар бир номзодга ўз худуди кесимида дастурлар тайёрлаш, сайловолди кампаниясини самарали ташкил этиш, тарғибот тadbирларини қизиқarli ва самарали ўтказиш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама этилди.

Ўқув машғулотида партиянинг туман кенгаши раиси Дилбар Комилова сўзга чиқиб, ҳар бир номзод партия ғояларининг тарғибот-чиси эканини таъкидлади. Шунингдек, партия илгари сураётган ташаббусларни яхши билиши, одамларни ўзига ишонтариб, ортидан эргаштира олиши муҳим экани қайд этилди.

Номзодлардан "Нуроний" жамғармаси раиси Ж. Отакулов, "Лолаарик" маҳалласи раиси Г. Назиркулова, Пискент агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори Т. Азаматов, "Култепа" маҳалласи раиси Б. Азимов, 51-қишлоқ оилавий поликлиникаси шифокори Ж. Султонов сўзга чиқди.

Номзодлар иштирокидаги бу каби учрашувлар маҳаллаларда давом этмоқда.

Дилёр БОТИРОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти
Кенгаши Ахборот хизмати

УЙ УЧУН ЯРИМ УМРНИ САРФЛАШ ШАРТ...(МИ?)

Одамларимиз ўзи, оиласи ва фарзандлари учун қулай уй-жой қурмагунча ёки унга эга бўлмагунча ҳаловат топмайди. Хонадонлардаги уй жиҳозлари, кўч-кўрнинг кўлиги ҳам шундан далолат беради. Ўзбек оиласи, бола-чақаси билан ижарама-ижара кўчиб юришни, "қирққа кириб ҳам ўз уйига эга бўлмаслик"ни қабул қила олмайди.

Халқ демократик партияси эҳтиёжманд фуқароларни тураржой билан таъминлаш бўйича янги тақлифлар билан чиқаяпти.

Афсуски, бугунги бозор иқтисоди шароитида орзу-хавасдагидек уй-жой қуриш, уни сотиб олиш кўпчилик оилалар учун жиддий муаммага айланди. Қурилиш молларининг нархи қимматлиги туфайли уй кўтариш, янгидан қурилган, замонавий ёки арзонлаштирилган уйларни сотиб олиш ҳам ниҳоятда қимматга тушмоқда. Оқибатда айрим ёшлар уй-жойи йўқлиги, ота-онаси унга шариит ярати беролмаётгани учун оила қуришга ҳадиксирамоқда. Кўплари бошпана учун пул тўплаш мақсадида оғир меҳнатларни қилишга, чет элларда ишлашга, ёмай-ичмай, мисқоллаб пул йиғишга мажбур бўлмоқда. Тайинли уй-жойи йўқлиги туфайли қатор ёш оилалар бузилиб кетмоқда.

Халқ демократик партияси уй-жой қайғусида юрган юртдошларимизнинг муаммоларини яхши тушунади ва бу масалада мамлакатимизда янгича тизим жорий этиш, ижтимоий-иқтисодий имкониятлари чекланган кишиларнинг манфаатларини ҳимоялаш зарур, деган ташаббусни илгари сураяпти.

Вазият шундайки, кўпчилик бугун умр топанг-тутганини ўзи ва фарзандлари учун уй-жой қилишга сарфлайди. Ҳаммасига эга бўлганда эса кучини, соғлигини йўқотган бўлади. Ваҳоланки, ҳар бир инсон ҳаётдан роҳатланиб яшашига ҳақли.

Жойларда мутасаддилар билан ўтказилаётган сайёр қабуллар чоғида ҳам уй-жой муаммолари бўйича кўплаб мурожаатлар бўлмоқда.

Шуни инобатга олган ҳолда халқимиз, биринчи навбатда, ёшлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари арзон ва сифатли уй-жойга эга бўлиши ниҳоятда долзарб вазифадир.

Бу йўналишда аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш қайси моддий манбалар асосида амалга оширилишини белгилаш зарур. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш лозим:

1. Дунёнинг қатор ривожланган давлатларида "ҳашамат солиғи" мавжуд. Яъни, Ўзбекистонда ҳам ҳашаматли ипотека уйларини қураётган компаниялар ва тижорат банклари даромадидан мажбурий ажратмалар олиб қилиш тартибини қонунан жорий этиш мумкин. Бу маблағлар махсус фондларга йўналтирилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жумладан, уй-жойи йўқ, яшаш шароити жуда оғир аёллар, "Меҳрибонлик" уйларида тарбияланган шахслар учун арзон уй-жой қуришга сарфлаш кўзда тутилади.

2. Муайян ойлик даромадга эга бўлган, аммо



жойларда қурилаётган уйларни ипотека кредити асосида харид қилиш учун дастлабки бадал пулини тўлашга қурб етмайдиган оилалар, ёшлар учун уйни дастлабки бадалсиз сотиб олиш имкониятини яратиш лозим.

3. Ижара асосида яшаётган аксар оилалар ва ёшларнинг уй сотиб олишга қурб етмайди. Шу билан бирга, улар топанг даромадининг катта қисмини уй-жой ижараси учун сарфлайди. Табиийки, бу уларнинг яқин келажақда ўз уйига эга бўлиш имкониятини янада камайтиради. Шу боис, арзон уйларни олишга, ижара асосидаги квартираларда туришга моддий имконияти етмайдиган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ижара асосида фойдаланишга мўлжалланган муниципал уйларни қуриш бугунги давр талабидир. Муниципал уй-жой фонди тушуначиси Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига белгилаб қўйилган бўлса-да, амалда бундай тураржойлар мавжуд эмас.

Муниципал уй-жойлар дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида мавжуд бўлиб, улар қулай, ихчам, замонавий ва ижара тўлови арзонлиги билан ажралиб туриши лозим. Бундай уйларни мавжуд талаб асосида мамлакатнинг барча туман ва шаҳарларида қуриш, шу орқали аҳолининг ишлаш, ўқиш ва яшаш учун ўзи истagan жойга бемалол кўчиб ўтишига қулай шароит яратиш лозим.

Яшашида ва уй-жой масаласида ҳаловати бўлмаган инсон ўзини бахтли ҳис этмаслигидан ташқари, ҳеч бир соҳада ёки ишда муваффақиятга эриша олмайди. Биз аҳолининг уй-жой масалалари билан боғлиқ оғриқли муаммоларини ҳал этиб бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳар доим халқ манфаатлари ҳимояси ҳақида ўйлайдиган Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларга овоз беринг!

Меҳроҷиддин ДАРҲАНОВ,
98-«Янгийўл» сайлов округидан Олий Мажлис
Қонунчилик палатасига Ўзбекистон
ХДПдан кўрсатилган номзод

Она Табиатни ўз Ватанини севгандек севган, азиз деб билган, уни ардоқлаган ҳар бир Инсон бизни қўллаб-қувватлайди. Аслида, Инсонни комил қиладиган ҳам Она юртига, Она табиатига муҳаббат, уни асраш ва керак бўлса, ҳимоя қилиш фазилатидир.



БИЗ КЕЛАЖАК УЧУН ЖАВОБГАРМИЗ!

Ўтмишда атроф-муҳитга эътиборсиз муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш ва экологик талабларни менсимаслик Орол денгизининг қуриши, чўлланши, ер ва сув ресурсларининг таназзули, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондининг ёмонлашуви, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, кўп миқдордаги саноят, маиший ва бошқа чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши каби қатор глобал ва минтақавий экологик муаммоларни пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу муаммолар иқлим ўзгариши содир бўлаётган шароитларда янада яққолроқ ва кучлироқ намоён бўлиб, замонавий Ўзбекистон учун ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва уни соғломлаштириш масалаларини янада долзарб қилиб қўйди.

Албатта, мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш, муаммоларни бартараф этиш ва салбий оқибатларининг олдини олиш борасидаги вазифаларнинг ўзлари экологик ҳолатни яхшилаш ва юзага келган муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга оширишда жамиятнинг турли қатламларига мансуб фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳолининг саломатлигини сақлаш соҳасида фаолият юритаётган миллий ва чет эл жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг ижобий тажрибаларини ўзлаштирган сиёсий куч — партия бундай муҳим ҳаётий мақсад ва вазифаларни бажаришга қодир эканлигини эътироф этиш зарур.

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган тарихий Мурожаатномасидаги ғоялар ҳамда мамлакатда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар йўлидаги кейинги қадам сифатида мамлакат сиёсий майдонида янги — Ўзбекистон Экологик партияси ташкил этилган эди. Экологик партиянинг тузилиши Ўзбекистон тарихида алоҳида саҳифа бўлиб, мамлакатда амалга оширилаётган Стратегиянинг яққол ҳосиласидир. Аҳоли билан мулоқотлар жараёнида партиянинг вужудга келиши нафақат экологларнинг, балки кенг жамоатчиликнинг ушлаган орзуси эканлиги кўпчилик томонидан қувонч билан эътироф этилмоқда. Экологик партиянинг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги нуфузи ва имиджининг ошишида муҳим омил бўлди. Мамлакатимизда экологик масалаларга юксак эътибор қаратилаётганлигининг ибратли намунаси сифатида намоён бўлиб, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг бренди бўлиб десак, асло хато қилмаймиз.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, партияимиз сиёсий ташкилот сифатида жамиятни ижтимоий гуруҳларга ажратмаган ҳолда, ҳозирги ва келгуси авлодларга мусоффо табиатни, санитария-эпидемиологик осойишталикни, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган сазй-ҳаракатларини амалга оширишда жамиятнинг бор қуч-салоҳиятини бирлаштиришга ва сафарбар қилишга интилади.

Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатимизнинг экологик сиёсатини амалга ошириш ва барча фуқароларни қулай атроф-муҳитга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда, шунингдек, ўзининг сиёсий ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда жамиятнинг барча қучларини сафарбар этишни муҳим устувор йўналиш деб ҳисоблайди.

Партияимиз вилоятимизнинг ўзига хос ноёб табиатини, табиий объектлари ва мажмуаларини, ўсимлик ва ҳайвонот генофондини сақлаб қолиш мақсадида атроф-муҳит мониторингини юритиш, унинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш, экологик маънавиятни шакллантириш, экологик

таълим ва тарбияни такомиллаштириш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирларни изчил амалга ошириши зарур.

Шунингдек, партияимиз атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, аҳолининг экология ва санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш масалалари бўйича қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишда, бундан ташқари, давлат экологик дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади.

Ўзбекистон Экологик партияси умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан, табиатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш соҳасида амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш ташаббуси билан чиқади.

Қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини 30 га яқин қонунлар ва 150 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари тартибга солиди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда қабул қилинган қонунларни тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар асосида ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо, айрим қонунлар экологик муносабатларнинг энг умумий жиҳатларини тартибга солиди. Ҳукумат ва идоравий ҳужжатларнинг қонунларга нисбатан юридик қучи камроқ бўлса-да, айнан улар қонунларнинг ишлаш механизmlарини белгилаб берган. Амалда ҳуқуқий бўшлиқларнинг асосий қисми ижро ҳокимияти ҳужжатлари билан тўлдирилган. Бу, ўз навбатида, соҳани юқори юридик қучга эга бўлган қонунлар билан тартибга солиш имконини бермапти.

Соҳани тартибга солувчи қонунчилик базасини тизимлаштириш, тўғридан-тўғри амал қилиш механизмларига эга қонунларни қабул қилиш бугунги кунда долзарб масала ҳисобланади.

Ушбу масалалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Экологик партияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, Ўзбекистон томонидан қабул қилинган халқаро норма ва қоидаларга оғишмай риоя этилишини таъминлаш ҳамда мажмуавий ва тўғридан-тўғри амал қиладиган Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодексини қабул қилишни ўз Сайловолди дастурида белгиланган. Ушбу кодекснинг қабул қилиниши соҳани яхлит тартибга солиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги қарама-қаршилиқларни, бўшлиқларни ва "оқ доғ"ларни бартараф этишга олиб келади.

Ўзбекистонни қаророр ривожлантиришнинг устувор мақсадларига ва унинг миллий манфаатларига мос келувчи халқаро экологик конвенция ва келишувларга қўшилиши масалаларини илгари суришни назарда тутди. Шу билан бирга, партия экологик масалалар юзасидан қарорларни тайёрлаш ҳамда қабул қилиш жараёнида фуқаролар, тadbиркорлик субъектлари ва фуқаролик жамияти институтларининг иштирокчини кенгайтириш ҳамда фуқароларнинг тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини тўлиқ инобатга олинишини таъминлашни илгари суради.

Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойлиқларини асраб-авайлаш ва фуқароларимизнинг соғлигини сақлашдек юксак вазифаларни бажаришда фаол иштирок этишни мақсад қилганини боис сайловларда бизнинг номзодларга овоз беринг! Унутманг, Она табиатни асраб-авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир!

Фурқат АҲМЕДЖАНОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси
Тошкент вилояти Кенгаши раиси

Конституция ва қонуннинг устунлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принциплари жумласига кирилади.

Чунончи, Асосий Қонуни-мизнинг 15-моддасида юқоридаги олий мақсад ва манфаатлардан келиб чикув-

лигини белгилловчи қонуний-ликнинг юридик асосларини, инсон ва фуқаролар ҳуқуқларининг устунлигига риоя қилиш механизмларини ярат-тишга қаратилди. Шунинг унут-маслик керакки, қонунийлик-нинг энг муҳим жиҳати, авва-

лигимиз шароитида Конституция ва қонун устунлиги ғояси тобора ижтимоий он-гимизнинг таркибий қисмига айланимда, қонун талаблари асосида, унга мос ва муво-фиқ равишда яшаш лозим-лиги онг-шууримизга сингиб

лат Конституцияси ва қонун-лари унда яшовчи халқлар-нинг хоҳиш-истаги, орзу-умидлари ва руҳиятини ифо-далаши даркор. Конституция ўз мазмуни (ундаги ҳилма-хил-ликлар)га кўра, энг аввало, халқаро андозалар ва норма-

асосида яшашга ўрганиш энг муҳим ва долзарб масалалар-дан ҳисобланади. Айни пайт-да қонунчилик асосларининг вужудга келтирилиши жамия-ятни ўзгартириш ва ислоҳ қилиш жараёнида катта аҳамият касб этади. Айниқса, юртимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилар экан, барча кишилар-нинг қонунга риоя қилишлари муҳим принцип ҳисобла-нади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимиз-да Асосий Қонуни-миз қоида-лари суд тизими, Ўзбекистон Ҳукумати тўғрисидаги, рефе-рендум, вакиллик органлари-га сайловлар, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатла-ри, маҳаллий ўзини ўзи бош-қариш асослари ҳамда халқ ҳокимиятининг айрим инсти-тутлари ва шакллари мус-таҳкамловчи бошқа қонун ҳуж-жатлари фаол татбиқ этил-моқда. Ушбу конституциявий-ҳуқуқий база ижтимоий ҳаёт-ни демократлаштиришда, қонунийлик ва ҳуқуқий тарти-ботни шакллантиришда му-ҳим ҳисобланади, қонунчи-ликнинг бошқа манбалари устидан Конституциянинг ус-тунлигини таъминлайди.

Хуршид УСМОНОВ,
Тошкент вилояти
прокуратураси бўлим
бошлиғи ўринбосари



ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ ТИЗИМ

Тадбирда сўз олганлар, мамлакатимизда тадбир-корлик фаолиятини ривож-лантириш, улар учун қулай шароитлар яратиш, қону-ний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ишбилармонлар-нинг эркин фаолият юри-тишида юзага келаётган бюрократик тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Хусусан, бар-ча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўз ҳудуди-даги тадбиркор ҳамда иш-билармонларга мурожаат билан чиққани соҳага қанча-лик жиддий эътибор қарати-лаётганини кўрсатади.

Учрашув давомида иш-тирокчиларга марказда тадбиркорларнинг муро-жаатлари юзасидан олиб борилаётган ишлар, улар учун яратилаётган имкони-ятлар ҳақида маълумот бе-рилди.

– Мазкур марказга тез-тез мурожаат қилиб тура-ман, – дейди “Темир ота” хусусий корхонаси дирек-тори ўринбосари Баҳодир Эшонқулов. – Ишларини тез ва осон битириб бе-ришади. Энг муҳими, хо-димлар ҳушмуомалалик

билан сизни тинглашди ва керакли хизматни кўрсатишади.

Мазкур марказ замона-вий техника ва инноваци-он технологиялар билан жиҳозланган. Миқозлар учун барча қулайликлар яратилган. Марказ ходим-лари томонидан жорий йилнинг 10 ойи давомида жисмоний ва юридик шах-сларга турли йўналишларда жами 14 минг 805 та дав-лат хизматлари кўрсатил-ди. Хусусан, 319 та газ тар-моқларига улаиш учун техник шартларни олиш, 2 минг 217 та болаларни боғчага қабул қилиш, 914 та фуқарони жамғариб бо-риладиган пенсия тизими-да ҳисобга қўйиш бўйича мурожаатлар шулар жумла-сидан.

Бундан ташқари, 350 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказилган. Шу-нингдек, марказимиз томо-нидан турли ташкилот ва идораларда сайёр қабул ва учрашувлар ташкил этила-япти. Буларнинг барчаси фуқароларимизнинг оғири-ни енгил қилишга қаратил-гани билан аҳамиятлидир.

Зухриддин ҚАМБАРОВ
Аброр ЭСОНОВ
олган сурат

МУЛОҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ

Куни кеча Ўрта Чирчиқ туманида вилоятимиз суди раислари аҳоли билан очик мулоқот ўтказ-ди. “Халқобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган Ахборот технологиялари ва сервис коллежида ўтган учрашувда жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича вилоят ва туман судлари раислари ҳамда маҳалла вакиллари, жамоатчилик фаоллари иштирок этди.

Юзма-юз

Унда вилоят суди раис-лари томонидан жойларда ҳуқуқбузарликларнинг ол-дини олиш ва жиноятчи-ликка қарши курашиш, суд-лар фаолиятининг очикли-ги ва шаффофлигини таъ-минлаш, суд-ҳуқуқ соҳаси-да амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда аҳоли-нинг ҳуқуқий маданиятини

юксалтириш масаласида атрофчи маълумот бе-рилди.

Учрашувда оила ва никоҳ муносабатларига бағиш-ланган фильм намойиш этилди ҳамда фуқаролар томонидан берилган кўплаб саволларга атрофчи жа-воб қайтарилди.

Ўз мухбири-миз

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Жорий йилнинг 12 декабрь куни соат 9:00 да Тошкент вилояти ҳокимлиги бизнес мажлислар залида Давлат статистика қўмитаси вакиллари томонидан “Статистик ахборотларнинг долзарб-лиги ва аҳамияти, хўжалик юритувчи субъект-лар томонидан тақдим этилаётган давлат ста-тистика ҳисоботлари маълумотларининг хола-ти, ҳисоботларни тўғри тўлдириш ва ҳаққоний тақдим этиш” мавзусида ўқув-семинар ташкил-лаштирилди. Ушбу ўқув-семинарда иштирок этиш учун Тошкент вилоятида фаолият юрита-ётган хўжалик юритувчи субъектлар раҳбар ҳамда ҳисобчиларини тақлиф қиламиз.

Манзил: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-йў.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси

“CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖ томонидан “Тош-кент ҳақиқати” газетасининг 16.11.2019 йилдаги № 91 (13248) ҳамда 19.11.2019 йилдаги №92-93 (13250-51)-сонларида чоп этилган эълондаги “Kuchlik Neft bazasi” МЧЖга тегишли барча ФЭТШ-ларнинг аукцион савдолари “Kuchlik Neft bazasi” МЧЖнинг 05.12.2019 йилдаги №07-6/1380-сонли хатига асосан вақтинчалик тўхтатилди.

Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2003 йилда Абдурахманова Дилноза Бахрамовнага бе-рилган № 32, О’Р-А 1440952 рақамли шаходат-нома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Тинчлик ҚФЙ, Ийк-ота маҳалласи, Кўктерак кўча-сидаги уй-жойга тегишли бўлган, Майсова Со-жида Абдурахманова номига берилган ТА 1120112 серияли (№ 11-14-02-01-01-0673 рақам-ли) кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

чи куйидаги қоида мустаҳ-камлаб қўйилган: “Ўзбекис-тон Республикасида Ўзбекис-тон Республикасининг Конс-титудияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олина-ди.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”. Бинобарин, устувор, ҳу-мрон ва олий мақомга эга бўлган Конституция ва қонун-лар давлатчиликнинг энг му-ҳим белгилари сирасига ки-ради. Шу боис, Ўзбекистон-да ҳуқуқий давлат қуриш жа-раёни, авваламбор, давлат-нинг халқ олдидаги жавобгар-

◀◀ Бошланғичи 1-бетда

ло, қонунлар, фармонлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатларнинг Конституцияга мувофиқлигидир. Негаки, қонунийлик давлат, жамият ва фуқароларнинг реал ҳаётида рўйбга чиқиши билан алоҳи-да аҳамият касб этади.

Зеро, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жа-мият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тар-биялаш демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришининг ҳам мақ-сади, ҳам унинг воситаси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақил давлатчи-

бормоқда. Бинобарин, дав-лат қонунлар билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида, бу – инсон ҳуқуқлари ва манфаат-ларини таъминлаш кафолати-дир.

Модомики гап қонун усту-ворлиги ҳақида борар экан, авваламбор, Конституция-нинг устунлигини таъминлаш ҳуқуқий тизимнинг асоси, қонунийликнинг негизи экан-лигини аниқлашди. Конститу-ция нормалари бирламчи таъсис этувчи, стратегик йўналиш берувчи моҳият касб этади. Бу эса жорий қонунлар ва барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конститу-цияга тамомила мос тарзда, унга мувофиқ равишда яра-тилишини талаб қилади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай дав-



лар билан мустаҳкамланган демократия, эркинлик ва адо-лат принципларини, ҳуқуқий давлат ғояларини, инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркин-ликларини ифодалаши лозим. Конституция қоидаларига, қонун нормаларига зид бўлган идоравий ҳужжатлар, буйруқлар, йўриқномалар, низомлар ва ҳоказолар қабул қилиниши қонунийликнинг бузилиши ҳисобланади.

Мамлакатимизда қонунлар мукамаллиги ва изчиллиги-га эришиш, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун

ЧОРАСИЗЛИК ЧОРРАҲАСИДАН ЧИҚИШ

ёхуд вилоят ҳокими-га айтилмаган ташаккур


Бу энди фақат қийинчи-лик эмас, балки ҳўрлик ҳамдир. Бир нажотгоҳ, бир суяниқ, дунё таш-вишларидан толганингда бошингни қўйиб дам олиш учун бир устунга эҳтиёж сезсангиз у бўлмаса. Ками-га сен ҳаётига жавобгар бўлган яқинларинг бор. Биласизми, чорасизлик чорраҳаларида адашиб юрган бундай кишилар-нинг ғуссаи бутунлай бошқача бўлади. Бу ғусса-ни айнаи дам, тахририят-нинг иссиқ хонасида, қаҳва ҳўплаб, интернетга уланган ноутбук орқали фейсбук-даги хабарларни кўздан ке-чира туриб барибир ҳис қилолмасан керак...

Ҳоким бува уй қалитлари-ни топишаркан, қабул қилиб олаётганларнинг ҳаёлида минг бир кечинмалар тало-тум кўзганига шубҳам йўқ. Американинг машҳур мусиқа гуруҳи Pink Floyd ижросида-ги қайсидир қўшиқда шундай сатрлар бор эди:

“Учмоққа қанот бор,
лек осмоним йўқ...”

Осмон доим ҳам биз ўйла-ганчалик кенг бўлавермайдими. Баъзан қафас ичра учмоқ ҳам ё бўлмаса, биз яшаётган уй-нинг оппоқ деворларига пар-воздаги қўшларнинг расми-

◀◀ Бошланғичи 1-бетда



ни чиза туриб шавқ туймоқ ҳам мумкин.

Бугун... Тошкент вилояти-нинг 110 оиласига фақатги-на ўй берилмади. Бу яна уларнинг қанот ёзмаи-га имкон, келажак авлоднинг нафақат мамлакатимиз риво-жига, балки дунё тамаддуни-га қўшажак ҳиссаларининг дебосчаси ҳамдир. Ўйлайман-ки, ҳоким Рустам Холматов бу омилларни чуқур анлаган ва халққа оид бошқа қили-нажак эзгу ишлар жойланган хотира жавонининг олд қаторларига уларни тартиб билан териб, сўнг амалга оширган.

Байрамлар бешафқат бўла-ди. Улар бизнинг раъйимиз-га, аҳволу аъмолимизга қараб ўтирмайди. Ўз вақти-дан бир лаҳза бўлсин кечик-май келаверади. Мана, Янги йил ҳам яқинлашаяпти. Қў-лимдаги соатнинг чиқ-чиқи Янги йилнинг қадам товуш-лари эмасми? Энди бу қадам товушларини куни кеча ўз уйи, ўлан тўшагига эга бўлган 110 ватандошимиз иссиқ-на бахт ошенида, болалари-нинг кўзларига меҳр билан қараб турган ҳолида, шуқуқ ила тинглайди. Шукр, дейди. Шукр... Булар менинг юзаки хулосаларим холос. Табиий-

ки, уларнинг кўнглидан эски кунлар ёди ва келажакка умид билан бирга бошқа кечинмалар ҳам ке-чиши тайин.

Тан оламан, доим нима-дандир норози бўлиб юра-ман. Доим нимадандир кўнглим тўлмайди. Вале бу гал бошқача бўлди. Ўша 110 оиланинг пойтахт ви-лоятдан эканлигини уну-тайлик. Ҳар қандай мезон-лар, маданияту кадрлар кун келиб қулаши мумкин, аммо инсон ИНСОН бўлиб қолаверади. Унга энг буюқ тортиқ эса, унга бир ин-сонга қарагандек қарамоқ-дир, чамамда. Эй одам-лар, дейман. Эй одамлар, инсонлик мартабангизни оқладинглар. Борлигингизни, яшаётганингизни сезди-ринглар. Сезганларга эса бизнинг ташаккуримиз бор!

Бувимнинг келинлари кўп. Ҳар гал бирон келинининг кўзи ёрса, ҳаммаси ўтиб кетгач, бувим келинининг бошини силаб “Кўзинг ой-дин, қўзим”, деб қўярдилар. Бизнинг ҳам бугун янги уй соҳибларига қарата шундай дегимиз келди:

Кўзингиз ойдин бўлсин, ях-шилар! Янги уй – янги ҳаёт муборак!

Мирзохид МУЗАФФАР
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат

Реклама ва эълонлар

“CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

2020 йил 6 январь куни соат 15.00 да бўлиб ўтadиган аукцион савдоларига “Paxta Neft bazasi” МЧЖнинг 06.12.2019 йилдаги №09-1474-сонли буюртманомаси-га асосан “Paxta Neft bazasi” МЧЖ тасарруфидан бўлган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод қишлоғи, “Сохибкор” МФЙ манзилида жойлашган, қурилиш ости майдони 64,93 кв.м. бўлган ФЭТШ бино ва иншоотла-ри қўйилмоқда. Бошланғич баҳо-си - 94 680 000 сўм. 2. Тошкент вилояти, Оқўрғон тумани, “Толо-вул” МФЙ манзилида жойлашган, қурилиш ости майдони 94,92 кв.м.

бўлган ФЭТШ бино ва иншоотла-ри қўйилмоқда. Бошланғич баҳо-си – 123 130 000 сўм. Юқоридаги кўчмас мулклар 2020 йил 6 январь куни соат 15.00 да сотилмаган тақ-дирда, тақририй савдолар 2020 йил 21 январь, 5, 25 февраль ва 16 март кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар би-лан буюртмачи ташкилот вакилла-ри иштирокида бевосита манзил-га чиқиб танишиш мумкин. Аук-цион савдосида қатнашиш иста-гини билдирган талабгорлар сав-до ташкилотчиси билан тузилади-ган зақалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг

15 фоизидан кам бўлмаган миқ-дордаги зақалат пулини “CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖ АТ “Xalqibank” Тошкент шаҳар фили-али амалиёт бўлимидаги қуйида-ги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000100757166001. МФО: 01132. СТИР: 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санаси-дан бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси им-золанган санадан бошлаб, 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурия-ти оқлатилади. Кўчмас мулк учун

тўловларни амалга ошириш му-ддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади. Талабгор савдо ғолиби бўлган тақ-дирда, аукцион савдоси натижа-сига асосан мулкнинг сотиб олиш қийматидан 1 фоиз миқдоридан пул маблағини ғолиблик баённо-маси имзоланган кундан бошлаб, 5 банк куни ичида савдо ташки-лотчисининг ҳисоб рақамига ўтка-зиб бериш мажбуриятини олади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўча-си, 34-уй.

Тел.: +998 71 236-25-53.
www.capitaltrust.uz

Лицензия RR – 0298.

“ОХАНГАРОНШИФЕР” АЖНИНГ устав фондидаги 53,97 фоиз давлат акция пакети биржа савдоларига чиқарилди

Давлат активларини бошқариш агентлиги Тош-кент вилояти ҳудудий бошқармаси “Охангарон-шифер” АЖ устав фондидаги 53,97 фоиз давлат акция пакетини биржа савдоларига қўйди.

Савдога чиқарилаётган давлат акция пакетла-ри тўғрисида қисқача маълумот:

Давлат акцияларини эмитент устав фондидаги улуши – 53,97 фоиз;

Савдога чиқарилаётган акцияларнинг умумий сони – 121 326 (бир юз йигирма бир минг уч юз йигирма олти) дона оддий ва 11 592 (ўн бир минг беш юз тўқсон икки) дона имтиёзли акция;

Акциялар пакетининг умумий бошланғич нархи – 128 683 477 433,0 (бир юз йигирма саккиз миллиард олти юз саксон уч миллион тўрт юз

етмиш етти минг тўрт юз ўттиз уч) сўм;

Савдо ташкилотчиси – “Тошкент РФБ” АЖ; Лотлар сони – 1 (оддий ва имтиёзли акция алоҳида)

Давлат акцияларини сотиб олишни хоҳловчи-лар 2019 йил 27 декабрдан бошлаб “Тошкент” РФБнинг махсус платформаси орқали давлат акция пакетларини сотиб олишга ариза бериш-лари мумкин.

Давлат акция пакетларини биржа савдоларида сотиб олиш тартиби бўйича барча қизиқтирган са-волларни Агентликнинг инвестиция воситачиси ҳисобланган “Mulk Sarmoya Brokerlik Uyi” АЖга мурожаат қилиш орқали билиб олишингиз мум-кинлигини маълум қиламиз.

Сотувчи: Давлат активларини бошқариш аген-тлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси. Сотувчининг инвестиция воситачиси: “Мулк-сармоа брокерлик уйи” акциядорлик жамияти.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ-ўчаси, 107-уй. Телефон рақами: (90) 993-95-58, факс: (0371) 267-34-96; электрон почта манзили: msbu-depositary@mail.ru / Веб сайт: www.ndvakt.uz / Веб-сайт: www.davaktiv.uz

Эмитент: – “Охангароншифер” АЖ.

Манзил: Тошкент вилояти, Охангарон шаҳри, Саноат ҳудуди.

Телефон рақами: (70) 645-39-99, факс: (70) 645-39-96

Электрон почта манзили: office@shifer.uz

ИШГА КИРМОҚЧИМИСIZ: МОНОМАРКАЗГА МАРҲАМАТ!



Йилнинг энг йирик та-шаббуси бўлган мазкур марказнинг ташкил эти-лишидан мақсад – меҳ-нат бозорига малакали кадрларни тайёрлашдир. Бу ерда бугунги кунда банд бўлмаган ва ижти-моий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламга бепул хизмат кўрсатиш, дол-зарб бўлган 22 турдаги касб-хунар, 22 соатлик тадбиркорлик курслари ва беш хил тилни қисқа муддатда ўзлаштириш имконияти бор.

Марказ тингловчилари қурилиш, техник, сервис ва хизмат кўрсатиш со-ҳалари бўйича ўқитила-ди. Улар учун марказда барча шароитлар яра-тилган: янги бино, инно-вацион хоналар, энг сўнгги русумдаги техни-ка воситалари ва албат-та малакали педагоглар. Бир сўз билан айтганда, марказда касб-хунар, хо-рижий тиллар ва тад-биркорлик сирларини ўрганиш истагида бўлган фуқароларга юқори да-ражада билим берилади. Мономарказда таълим олган тингловчилар на-фақат Ўзбекистонда, бал-ки хорижда ҳам фаолият олиб боришлари мум-кин.

Ўз мухбири-миз



O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI

Aksiyadorlik jamiyati

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 1 февралда "Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган эди. Ўтган вақт мобайнида мазкур Фармон асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида транспорт соҳасида ягона давлат сиёсати

ишлаб чиқилди. Унга кўра, республикада транспорт соҳасини ривожлантириш, ташишларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.



ТЕМИР ЙЎЛЛАР — ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ҚОН ТОМИРЛАРИДИР

Мазкур фармондан кўзланган яна бир асосий мақсад мамлакатимизда транспорт коммуникацияларини стратегик ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашдан иборат бўлди. Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ Транспорт вазирлиги ташкил этилди. Транспортнинг барча турлари ягона транспорт тармоғига интеграциялаштирилди.

Тапсувлар хавфсизлиги — муҳим стратегия

Дарвоқе, автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспорти, метрополитен ҳамда йўл ҳўжалиги соҳасидаги давлат бошқарувининг ягона органи сифатида Транспорт вазирлиги ташкил этилиши маҳаллий иқтисодиётни ривожлантиришда жуда ижобий ва ўзига хос қадам бўлди.

— Шунингдек, тутиш лозимки, ривожланган темирйўл соҳасисиз биз ҳеч қачон маҳсулотларимиз экспортни ўсишига эриша олмаймиз, — дейди «Тошкент минтақавий темир йўл узели» бошлиғи Ихтиёр Фармонов. — Бугун кўп бора гапирилаётган самарали логистика тизими халқаро бозорларга чиқиш қийматини пасайтирди. Маҳаллий корхоналар рақобатбардошлилигини оширди ва ташқи савдо ривожига хизмат қила бошлади. Темир йўл инфраструктурасига инвестиция киритиш қишлоқлар ва узоқ ҳудудларни йирик ишлаб чиқариш марказлари билан боғламоқда. Янги-янги корхоналар бунёд этиш ва иш

ўринларини кўпайтириш имкониятини оширди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг қон томири, деб таъриф берилган темир йўл тармоғи жадал ривожланмоқда. "Тошгузар-Бойсун-Кумкўрган", "Навоий-Нукус" ҳамда Фарғона водийси билан боғлайдиган темир йўлларнинг қурилиши ёки



Қамчиқ довонидаги 19,2 километрлик темир йўл туннелининг барпо этилиши мамлакатимизнинг бу борадаги салоҳиятини тубдан оширди.

Мамлакатимиз тараққиёти учун Транспорт вазирлигининг ташкил этилиши муҳим стратегик қадам ҳисобланади. Президент Фармонига мувофиқ, вазирлик олдида жуда муҳим вазифалар қўйилган. Хизмат ва маҳсулотларимиз экспортни ҳажмини оширадиган амалий қадамлар янада жадаллашади, деб умид қиламиз. Транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш учун шароит яратибгина мавжуд поездлар етишмовчилигини қоплаш ва соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мумкин.

"Ўзбекистон темир йўллари"нинг туҳфаси

Ангрен транспорт коммуникациялари жиҳатидан муҳим стратегик ҳудуд ҳисобланади. Тошкентни водий билан боғловчи темир йўл қурилганидан кейин унинг аҳамияти янада ортди. Лекин вокзал йўқлиги

боис йўловчилар узоқ станцияларга боришга мажбур бўларди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил октябрдаги Ангрен шаҳрига қилган ташрифида бу муаммага тўхталиб, шаҳарда янги вокзал қуриласа, аҳоли ва туристлар учун қатта қулайлик яратилишини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Орадан бир оз вақт ўтиб, белгилаб берилган вазифалар асосида Ангренда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан Ангрен темир

йўл вокзали барпо этилиб, ҳудуд аҳолисига туҳфа этилди.

Бир вақтнинг ўзиде 100 йўловчи-га хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд бўлган вокзал — шохбекат қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кутиш зали, она ва бола хонаси, тиббий пункт, овқатланиш ва савдо шаҳобчаларида йўловчилар учун зарур бўладиган барча шароитлар яратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 1 июнь куни Ангрен шаҳрига навбатдаги ташрифи чоғида янги қурилган вокзалда бўлиб, йўловчи ва хизматчилар учун яратилган қулайликларни кўздан кечирди.

Мазкур вокзал ўрнида бир пайтлар тўйхона бўлган, кейинчалик қаровсиз ҳолатга тушиб қолган эди. Аини пайтда бино "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан халқаро андозалар асосида таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Эндиликда, ҳудуд аҳолиси шу жойдан туриб мамлакатимизнинг барча гушаларига поездда бориш учун чипта харид қилиш, шунингдек, маҳаллий ва ички маршрутлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Барчаси инсон манфаатлари учун

— Муҳими, Ангрен шаҳар аҳолиси темир йўл чиптасини 30 фоизлик чегирма асосида харид қиладиган бўлди, — дейди темир йўл шохбекати бошлиғи Суннат Норинбоев. — Аини кезде қунига 40-50

йўловчи бу ердан турли ҳудудларга жўнаб кетмоқда. Бугунги кунда "Тошкент — Андижон", "Бухоро — Андижон", "Москва — Андижон", "Хива — Андижон", "Термиз — Андижон" ва ушбу поездларнинг қайтиш жуфтликлари ҳам Ангрен темир йўл бекати орқали узоқ манзилларни яқин қилмоқда.

Қунига водийга қараб 9-10 та поезд, у томондан ҳам шунча оғир юк вагонларини судраган поездлар ўтади. Ангрендан эса ҳар бири 69 тонналик кўмир ортлган юк билан 100-150 та вагон жўнатилади.

Бу ерда 100 нафарга яқин киши доимий иш билан таъминланган. Ишчи ходимларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Уларга ҳар ой иш ҳақининг қирқ фоизи миқдорида мукофот берилади. Камида беш йил иш стажига эга ходимларга Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари-га саёҳат қилишлари учун йилга

бир марта темир йўл чиптаси бепул берилади.

"Тошкент минтақавий темир йўл узели" тасарруфида аини дамда 59 та станция мавжуд бўлиб, шу қунгача уларнинг 29 таси тўлиқ таъмирланди. Яқин йилларда қолган станциялар ҳам босқичма-босқич реконструкция қилиниши режага киритилган. Жорий йилнинг 9 ойи давомида ўтган йилга нисбатан юк ташиш 102,4, йўловчи ташиш 101,4 фоизга ўсди. Режага нисбатан даромад 136,2 фоизни ташкил этиб, 30,7 фоизга кўтарилди. Молиявий кўрсаткич 322 миллиард 833 миллион сўмга ошиб, соф фойда 32 миллиард 199 миллион сўмни ташкил этмоқда. Бу эса ўтган йилга нисбатан 38,4 фоиздан 66,6 фоизлик рентабелликка эришилганлигини кўрсатмоқда.

Аини вақтда темир йўлчилар олдида юк ва йўловчи ташиш ҳажминини ошириш билан бир қаторда, иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, бой минерал хом ашё ресурсларини комплекс ўзлаштириш, тармоқ корхоналари учун мутахассислар тайёрлаш каби муҳим вазифалар бор. Шу билан бирга иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг кўмир маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган талабини қондиришга йўналтирилган инвестициявий лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, мамлакатимиз транзит салоҳиятини янада ривожлантириш ва миллий иқтисодиёт таркибида транспорт соҳаси улушини ошириш вазифаси турибди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:

111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.Тошкент шаҳридаги
офисимиз:100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:

Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Электрон почта: toshkenthqiqati@mail.uz

(71) 233-70-10

(71) 233-90-82

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
териял ва Тоҳир Маҳмуджаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусахҳиҳ

Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи

Баҳромов БАҲРОМОВ

Буюртма Г-1243. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 430 нусхада чоп этилди.

ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топширилган вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5